

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЙЎЛДОШЕВ АЗИЗЖОН ЭРГАШ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ
БОШҚАРИШДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли

Ўзбекистонда жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар
иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари 3

Юлдошев Азизжон Эргаш огли

Организационно-правовые вопросы участия граждан в управлении
делами общества и государства в Узбекистане 29

Yuldoshev Azizjon Ergash ogli

Organizational and legal issues of citizens' participation in the
administration of public affairs in Uzbekistan 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЙЎЛДОШЕВ АЗИЗЖОН ЭРГАШ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ
БОШҚАРИШДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Yu162 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хусанов Озод Тиллабоевич
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна
юридик фанлар доктори, профессор

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович
юридик фанлар доктори, профессор

Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил 4 март соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1118-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» февралда тарқатилди.

(2023_йил «___» февралдаги ___ рақамли реестр баённомаси).

Р.Р. Хакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Б.А. Наримонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар фалсафа доктори,
доцент

И.Р. Беков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 25-моддасида мустаҳкамланган фуқароларнинг оммавий ишларни юритишда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ўз нутқида таъкидлаганидек, бундай иштирок COVID-19 пандемияси билан боғлиқ ва бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг энг яхши йўлидир¹. 2022 йилда Демократия ҳисоботи бўйича 179 та давлатдан 102 таси оммавий иштирок компоненти максимал балининг 56 фоизидан кам олгани² мавжуд ҳолатни чуқур ўрганиш ва мавжуд муаммолар ечимини топиш долзарблигини кўрсатади.

Жаҳонда оммавий ишларда фуқаролар иштирокининг таъсирчанлигини ошириш, технологияларини ривожлантириш, ҳуқуқий асослари, баҳолаш мезонлари, шакллари, усуллари ва таомилларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 2018 йил 28 сентябрдаги 39/11-сонли қарори билан тасдиқланган Оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш бўйича давлатлар учун раҳбарий принциплар³ ва бошқа халқаро стандартларни жорий қилиш, ҳар бир давлатда оммавий иштирок кўрсаткичларини яхшилаш, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратишга қаратилган тадқиқотларнинг амалга оширилиши мавзунинг илмий ва амалий аҳамиятини оширади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, охириги беш йилда Ҳаракатлар стратегиясининг 1.3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналари, жамоатчилик палатаси ва кенгашлари тузилди, “Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар ва “Очиқ бюджет” порталлари ишга туширилди, оммавий иштирокнинг бошқа институтлари ва шакллари жорий қилинди. Бироқ “Демократия ҳисоботи 2022” оммавий иштирок компонентида Ўзбекистоннинг 179 та давлат орасида 165-ўринда туриши⁴ ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш вазифасини кўяди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги (2018), “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги (2017), “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги (2014), “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги

¹ Human Rights Council meeting on the Role of Poverty Alleviation in Promoting and Protection Human Rights. 26 February 2021 // <https://www.ohchr.org/RU/HRBodies/HRC/Pages/NewsDetail.aspx?NewsID=26812&LangID=R>.

² Autocratization Changing Nature? Democracy Report 2022. Varieties of Democracy Institute (V-Dem). – P. 46-47 // https://v-dem.net/media/publications/dr_2022.pdf.

³ Guidelines for States on the effective implementation of the right to participate in public affairs. Adopted by resolution 39/11 of Human Rights Council // <https://www.ohchr.org/en/documents/tools-and-resources/guidelines-effective-implementation-right-participate-public-affairs>.

⁴ Autocratization Changing Nature? Democracy Report 2022. Varieties of Democracy Institute (V-Dem). – P. 46-47 // https://v-dem.net/media/publications/dr_2022.pdf.

тўғрисида”ги (2014) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон (2022), “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сон (2021), «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5980-сон (2020) фармонлари, “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4473-сон (2019), «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4551-сон (2019), “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сон (2018) қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Оммавий ишларда фуқаролар иштирокининг самарадорлигини ошириш, даражасини баҳолаш, уни кенгайтириш, ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқа жиҳатлари билан боғлиқ изланишлар халқаро ташкилотлар, жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва таълим муассасаларида, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий ишлар департаментининг Давлат институтлари ва рақамли ҳукумат бўлими (DPIDG), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (OSCE) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ODIHR)¹, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ва унинг Инновацион оммавий иштирок (ICP)² ҳамда Бошқарув ва менежментни яхшилашни қўллаб-қувватлаш (SIGMA)³ лойиҳалари, Демократияга ҳуқуқ орқали Европа комиссияси (Venice Commission)⁴, Жаҳон адолат лойиҳаси (WJP)⁵, “Economist intelligence unit” лойиҳаси (EIU)⁶, Демократия ва сайловларни қўллаб-

¹ OSCE Office for Democratic Institutions and Human Rights // <https://www.osce.org/odihr>.

² <https://www.oecd.org/gov/OECD-innovative-citizen-participation-project.pdf>

³ Support for Improvement in Governance and Management // <http://www.sigmaxweb.org/>

⁴ The European Commission for Democracy through Law //

https://www.venice.coe.int/WebForms/pages/?p=01_Presentation&lang=EN

⁵ The World Justice Project // <https://worldjusticeproject.org/>

⁶ Economist intelligence unit // <https://www.eiu.com/n/about/>

қувватлаш институти (IDEA)¹, Демократия хилма-хиллиги лойиҳаси (V-Dem)² ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда.

Оммавий ишларда фуқаролар иштироки бўйича хорижда олиб борилган илмий тадқиқотларда қуйидаги илмий натижалар олинган: фуқароларнинг оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқи мазмуни белгиланган ва уни амалга ошириш бўйича тавсиялар (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси), раҳбарий тамойиллар (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши) тасдиқланган, шунингдек, оммавий иштирокда хабардор қилиш, маслаҳатлашиш ва шерикликни ўрнатиш таомиллари (OECD) ва уни фаоллаштириш омиллари (SIGMA), давлат бошқарувининг очиқлиги (WJP), сиёсий иштирок (EIU), фуқаровий иштирок (IDEA), оммавий иштирокни (V-Dem) баҳолаш индикаторлари, электрон иштирокни баҳолаш мезонлари (DPIDG), уюшиш, тинч йиғилишлар ўтказиш, сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солишнинг раҳбарий тамойиллари (ODIHR), фуқаролар ассамблеялари, форумлари ва бошқа инновацион иштирок этиш шакллари жорий қилиш (ICP), референдумлар ўтказиш (Venice Commission) бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда оммавий иштирокнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: демократия ва оммавий иштирок даражасини баҳолаш; давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва фуқаролар хабардорлиги даражасини ошириш; оммавий иштирокнинг инновацион шакллари жорий қилиш; сайловда фуқаровий кузатишни йўлга қўйиш ва номзодлар кўрсатиш тартибини демократлаштириш; давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтириш, электрон иштирокни кенгайтириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оммавий ишларда фуқаролар иштироки ва унинг таомиллари, босқичлари, даражалари, шакллари ва институтлари юридик, сиёсий ва бошқа гуманитар фанлардаги тадқиқотларда демократия ва халқ ҳокимиятчилигини ривожлантириш, жамият ҳаётининг турли соҳаларида сиёсий ва бошқа ҳуқуқларни таъминлаш доирасида ўрганилмоқда.

Оммавий иштирок демократия, халқ ҳокимиятчилиги ва сиёсий ҳуқуқлар доирасида миллий ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, файласуф олимлар: А.Азизхўжаев, К.Джавакова, Ш.Мамадалиев, Ф.Мусаев, Ф.Раҳимов, А.Саидов, Ҳ.Одилқориев, Ш.Ўразаев, О.Ҳусанов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг у ёки бу жиҳатлари: А.Акилов, С.Адилходжаева, М.Ахмедшаева, Д.Аҳмедов, И.Беков, А.Дадашева, Ш.Жалилов, Ш.Зулфиқоров, З.Исломов, Б.Исмаилов, Г.Исмаилова, Г.Маликова, Х.Маматов, Ў.Мухамедов, М.Нажимов, Ф.Отаханов, З.Рўзиёв, Х.Рўзметов,

¹ International institute for democracy and electoral assistance (IDEA) // <https://www.idea.int/>

² Varieties of Democracy (V-Dem) // <https://www.v-dem.net/ru/>

И.Тулътеев, Х.Хайитов, Р.Хакимов, Ш.Якубов, Э.Қодиров ва бошқа маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган.

Давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи мазмуни, шакллари, уни турли соҳаларда амалга ошириш хусусиятлари, кафолатлари: С.А. Кондратьев (Москва, 1999); М.Т. Габдуалиев (Саратов, 2006); С.А. Широбоков (Екатеринбург, 2011), М.А. Липчанская (Саратов, 2012) ва М.С. Зайцевларнинг (Саратов, 2015) диссертацияларида комплекс тадқиқ этилган. Ушбу ҳуқуқни маҳаллий даражада ёки норма ижодкорлиги ва бошқа соҳаларда амалга ошириш, унинг референдум, сайлов ва бошқа шакллари бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Демократия ва оммавий бошқарув назарияларида оммавий иштирок мазмуни, шакллари, тамойиллари ва ривожланиш истиқболлари: Л. Джеймс Крейтон, Тина Набатчи, Мэтт Лейнингер, К. Квик, Дж. М. Брайсон, Род Дакомбларнинг монографик тадқиқотларида комплекс очиб берилган. Ушбу ва бошқа муаллифлар оммавий ишларда фуқаролар иштироки ҳақидаги замонавий қарашлар ва оммавий иштирок назарияларининг шаклланишига хизмат қилдилар.

Шу билан бирга, мавжуд тадқиқотларда оммавий ишларни бошқаришда фуқаролар иштироки, унинг босқичлари, шаклларига турли хил таъриф ва таснифлар берилган. Ўзбекистонда оммавий иштирокни кенгайтириш ва бунда халқаро тажрибадан унумли фойдаланиш мавжуд қарашларни тизимли ўрганиш ва уйғунлаштириш заруратини кўрсатади. Оммавий иштирокнинг халқаро стандартлари, индекслари, демократия ва “Good Governance” назариялари, Ш.Арнштейн “иштирок нарвони” тадқиқотга методологик асос вазифасини ўтади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқининг мазмунини ўрганиш, эришилган илмий натижалар, демократия, оммавий бошқарув ва иштирок назариялари, халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда мазкур ҳуқуқни Ўзбекистонда амалга ошириш механизми ва айрим шакллариининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокига оид фикрларни умумлаштириш ва хорижий давлатларда оммавий иштирок амалиётини қиёсий таҳлил этиш;

оммавий иштирок халқаро стандартлари ва индикаторларини ўрганиш ҳамда улар асосида Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

оммавий ишларга фуқаролар таъсирини ошириш, жумладан, уларга оммавий ваколатларни ўтказиш масалаларини таҳлил этиш;

давлат хизматига тенг шартларда кириш, сайлаш ва сайланиш, оммавий ишларни юритишда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлаш истиқболларини ўрганиш;

халқ вакиллари одоб қоидаларини такомиллаштириш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтириш масалаларини тадқиқ этиш;

жамият манфаатларига тааллуқли ахборот очиқлигини таъминлаш, жумладан давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларининг шаклланиши ва фаолиятини ташкил этиш масалаларини тадқиқ этиш;

қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини фуқаролик жамияти институтлари билан келишиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

жамоатчилик фикрини ўрганишни, жамоатчилик ташаббуслари ва муҳокамаларини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўрганиш;

Ўзбекистонда маслаҳат, мажбурий, маҳаллий ва аброгатив референдумларни жорий қилиш масалаларини таҳлил қилиш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон фуқаролари томонидан жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш, ушбу ҳуқуқни давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари томонидан таъминлашда вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг предметини жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокига оид миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги меъёрлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг қоидалари ҳамда уларни қўллаш амалиёти, халқаро стандартлар ва индекслар, илмий нашрлар, статистик кўрсаткичлар, мавзуга доир ижтимоий сўров натижалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёнида: расмий-юримдик, тизимли, илмий билишнинг тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сўровлар ўтказиш, экстраполяция, қиёсий-ҳуқуқий, лингвистик, тизимли ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи фуқароларга оммавий ишларни юритиш, жумладан, оммавий функцияларни бажариш, яъни давлат ва бошқа оммавий органлар фаолиятида иштирок этиш имкониятини бериши асослаб берилган;

сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ва фуқаровий кузатувни амалга ошириш учун фуқаролар

йиғинларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шу жумладан, сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида иштирок этиш учун кузатувчилар кўрсатиш ҳуқуқини бериш зарурати асосланган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қонун лойиҳаларига тушунтириш хатлари ва бошқа илова қилинган материалларни, муҳокама натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни жойлаштириш, муҳокама электрон манзили, вақти тўғрисидаги эълонларни ҳамда қонун лойиҳаларининг мазмуни тўғрисидаги маълумотларни ижтимоий тармоқларда ва бошқа йўллар билан тарқатиш муҳокамаларда фуқароларнинг онгли ва самарали иштирок этишига хизмат қилиши асослаб берилган;

амалдаги қонунчиликка кўра, фуқаролар жамоатчилик назоратининг шаклларида бўлган давлат органларига мурожаат қилиш ва сўровлар юбориш ҳуқуқига эга эканлигини инобатга олган ҳолда ҳамда уларга давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларни бериш учун фуқароларга жамоатчилик назоратининг субъекти мақомини бериш зарурлиги асослаб берилган;

муҳокама фикрларнинг эркин алмашинувини англантиши туфайли, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг онлайн жамоатчилик муҳокамаларида берилган ҳар бир таклиф, фикр-мулоҳазага лойиҳа ишлаб чиқувчиларнинг ўз муносабатини билдириши фуқароларга лойиҳа бўйича ўз фикрларини аниқлаштириш, манфаатлар келишувига эришиш ва унинг қабул қилинганидан кейин самарали ижросига хизмат қилиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлислари – ҳайъат давлат органлари, давлат органларининг ҳайъат тузилмалари, давлат органлари томонидан тузилган ёки тузилишида улар иштирок этган кенгашлар, комиссиялар, ишчи гуруҳлар ва бошқа ҳайъат тузилмалари, шунингдек, суд ва оммавий қарорларнинг ҳар қандай муҳокамалари”, деган муаллифлик таърифи берилган;

жамоатчилик назорати субъектларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи фуқароларга маҳаллий Кенгаш сессияларида ҳокимлар ҳисоботларининг эшитилишини нафақат бевосита ёки онлайн кузатиш, балки ҳокимларга саволлар билан мурожаат қилиш имкониятини бериши туфайли, бундай ҳисоботлар аҳоли олдида берилган деб ҳисоблаш таклиф этилган;

референдумларга, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, суд ишларини юритиш, жазоларни ижро этиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишни алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш зарурати асослаб берилган;

“жамоатчилик муҳокамаси – ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари ва уларнинг лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш”, деган муаллифлик таърифи берилган;

жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари, уларнинг лойиҳаларини фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига ҳамда бошқа оммавий манфаатларга мувофиқлигини аниқлаш учун ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборат эканлиги асослаб берилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда бошқа оммавий манфаатларни таъминлаш тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш усулларини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати асосланган;

жамоатчилик назоратининг якуний ҳужжатида баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилиши ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилиниши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро стандартлар, хорижий давлатлар ва миллий қонунчиликдаги меъёрларнинг қиёсий таҳлил қилингани ва ишда қўлланилган бошқа тадқиқот усуллари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро индекслар ва ҳуқуқшунослик, сиёсий ва бошқа гуманитар фанларда мавжуд бўлган назарий қарашларни ўрганиш асосида илгари сурилгани билан таъминланади. Тадқиқотда илгари сурилган айрим хулоса ва таклифлар ижтимоий сўровлар натижаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилгани, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган айрим таклифлар амалиётда жорий қилингани ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангани тадқиқот натижаларининг ишончлилигини изоҳлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти унда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқининг мазмуни очиқ берилгани, илгари сурилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан оммавий иштирокка оид қонунчилик ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, оммавий ишларга фуқароларни жалб қилиш билан боғлиқ мавзуларда тадқиқотлар олиб боришда, ҳуқуқий, сиёсий ва оммавий бошқарув фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда билдирилган таклиф ва тавсиялардан оммавий иштирокнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ривожлантиришда, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий билимларини кенгайтиришда, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ” ва “Парламент ҳуқуқи” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи оммавий ишларни юритишда иштирок этиш ҳуқуқини қамраб олиши,

жумладан, оммавий функцияларни амалга оширишда фуқаролар иштирокини назарда тутиши тўғрисидаги таклиф “Конституционное право” дарслигига киритилган (Тошкент давлат юридик университетининг 2021 йил 6 сентябрдаги маълумотномаси). Ушбу таклиф билан жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи оммавий органлар зиммасига фуқароларни ўз фаолиятига жалб қилиш мажбуриятини юклаши илмий асосланган;

сайловда фуқаровий кузатувни жорий қилиш тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 8-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги 05/01-667-сонли маълумотномаси). Бу таклиф асосида фуқаролар йиғинларига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун кузатувчилар кўрсатиш ҳуқуқи берилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қонун лойиҳаларига тушунтириш хатларини ва бошқа илова қилинган материалларни, муҳокама натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни жойлаштириш, муҳокама электрон манзили, вақти тўғрисидаги эълонларни ҳамда қонун лойиҳаларининг мазмуни тўғрисидаги маълумотларни ижтимоий тармоқларда ва бошқа йўллар билан тарқатиш ҳақидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 5 апрелдаги 1607–III-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 5, 10, 17-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги 05/01-665-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий қилиниши фуқароларни қонун лойиҳаларини пухта ўрганишлари, онлайн жамоатчилик муҳокамаларида фаол ва амалий иштирок этишларига хизмат қилган;

фуқароларга жамоатчилик назоратининг субъекти мақомини бериш ҳақидаги таклифдан 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги 05/01-666-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф фуқароларга давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларни бериш учун ҳуқуқий асос бўлган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг онлайн жамоатчилик муҳокамаларида уларни ишлаб чиқувчилар томонидан ҳар бир келиб тушган таклифга ва фикр-мулоҳазага ўз муносабатини билдириши зарурати ПЗ-20170926317 “Ўзбекистонда давлат хизмати тизимини ривожлантириш истиқболлари ҳамда давлат хизматчиларини тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” илмий-амалий лойиҳаси доирасида тайёрланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари” рисоласида асослаб берилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2020 йил 30 декабрдаги 02/1104-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифда муҳокамада эркин фикр алмашиш манфаатлар келишувига эришиш, лойиҳаларни пухта тайёрлаш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятининг ўсишига хизмат қилиши илмий асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 7 та халқаро, 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, рисола, дарслик ва ўқув қўлланма, 14 та (1 таси хорижий нашрда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, йигирмата параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 247 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг назарий-ҳуқуқий асослари**» деб номланади ва бешта параграфни ўз ичига олади.

Ушбу бобнинг «**Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий тавсифи**» деб номланган биринчи параграфида ҳуқуқ, демократия ва оммавий бошқарув назарияларида жамият ва давлат ишларида фуқаролар иштирокининг моҳияти, мазмуни, шакллари

оид қарашлар ва уларнинг халқаро стандартларда, хорижий давлатлар амалиётида жорий этилиши хусусиятлари ўрганилди. Аввало, лингвистик таҳлил, халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар амалиёти асосида бундай ишларни – оммавий, унга бўлган ҳуқуқни – оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқи, деб номлаш таклиф қилинди.

Оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш бўйича давлатлар учун раҳбарий принципларнинг 5-бандида ¹ ушбу ҳуқуқнинг қуйидаги учта унсурдан иборатлиги кўрсатилади: (а) оммавий ишларни юритишда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, (б) сайлаш ва сайланиш ҳамда (с) давлат хизматига кириш унсурларидан иборатдир. 14-бандига кўра, барча асосий инсон ҳуқуқлари, жумладан, фикр ва сўз эркинлиги, тинч йиғинлар ва уюшиш ҳуқуқлари ушбу ҳуқуқнинг унсурлари ёки шакллари эмас, балки уни амалга оширишнинг зарур муҳитидир. Демак, ушбу ҳуқуқ барча оммавий иштирок шаклларини, жумладан, сиёсий ҳуқуқларни қамраб олмайди. Аксарият давлатларда, уларнинг сиёсий режимидан қатъи назар, оммавий иштирок демократия мазмуни ва самарали бошқарув омили ҳисобланади.

Биринчи бобнинг «**Оммавий ишларда фуқаролар иштирокининг халқаро стандартлари**» деб номланган иккинчи параграфида улар халқаро-ҳуқуқий нормалар мажмуи сифатида – тор маънода, кенг маънода – мажбурий бўлмаган ва тавсиявий характердаги халқаро ҳужжатларни ҳам қамраб олади деб қаралади ². Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган оммавий иштирок меъёрларини амалга ошириш механизмлари, асосан, халқаро давлат ва нодавлат ташкилотларининг тавсиялари, қўлланмалари ва бошқа ҳужжатларида ишлаб чиқилган.

Халқаро ташкилотлар оммавий иштирок соҳаларини, иложи борича, кенгайтиришни тавсия қилмоқдалар. Глобал ва маҳаллий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий муносабатларнинг жадал ўзгариши халқаро ҳамжамият олдига оммавий иштирок стандартларини такомиллаштириш вазифасини қўймоқда. Ушбу жараёнда Ўзбекистон давлат органлари ва фуқароларининг фаол иштироки халқаро стандартларга киритилаётган янгиликларни англашга ва келажакда рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

«**Оммавий иштирок турлари ва шаклларини таснифлаш масалалари**» деб номланган биринчи бобнинг учинчи параграфида диссертант уни оммавий манфаатларни рўёбга чиқаришдаги иштирок тури эмас ³, балки бундай иштирокнинг ўзи деб ҳисоблайди. Шунингдек, у оммавий иштирокни: (1) субъектив ҳуқуқ сифатида ифодаланишига кўра: оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқининг учта унсури ва уларни амалга ошириш шароити бўлган асосий ҳуқуқларга, (2) оммавий ишларни ҳал қилиш

¹ Guidelines for States on the effective implementation of the right to participate in public affairs. Adopted by resolution 39/11 of Human Rights Council // <https://www.ohchr.org/en/documents/tools-and-resources/guidelines-effective-implementation-right-participate-public-affairs>.

² Международно-правовые стандарты в области прав человека и их реализация: теория и практика применения / Л.В. Уляшина. – Вильнюс : ЕГУ, 2013. – С. 153.

³ Скалабан И.А. Общественное участие: теория и практика социального конструирования: монография. – Новосибирск: Изд-во НГТУ, 2017. – С. 243-244.

даражасига кўра: оммавий органларга таъсир қилиш, ушбу давлат хизматчиси сифатида ва мустақил ҳал қилиш шакллари ажратишни таклиф қилади.

Тадқиқотда Ўзбекистон Конституциясининг 32-моддасида мустаҳкамланган жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишнинг йўллари оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқи унсурларини қамраб олмаслиги аниқланди. Давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш сайлаш ва сайланиш, давлат хизматига тенг шартларда кириш ҳуқуқларини қамраб олса ҳам, референдум оммавий иштирокнинг бир шакли, шунингдек, миллий қонунчиликда жамоатчилик назорати оммавий иштирокнинг бир неча шакли ва ўзини ўзи бошқариш фуқаролар йиғинлари билан чекланган. Ушбу ҳолатни тузатиш мақсадида, Конституциянинг 32-моддасида оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқи ва унинг унсурларини халқаро стандартларга мувофиқ белгилаш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Биринчи бобнинг «**Оммавий иштирок конституциявий асосларининг кийёсий-ҳуқуқий таҳлили**» деб номланган тўртинчи параграфидида оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқи 30 га яқин давлатлар, унинг унсурлари ва амалга ошириш шароитлари деярли барча демократик ва демократик ҳисобланмаган давлатлар конституцияларида мустаҳкамлангани аниқланди. Айрим давлатлар конституцияларида ушбу ҳуқуқнинг унсурлари демократия (Финляндия, 2-§) ва суверенитет (Габон, 3-модда) принципларида белгиланган. Ислом давлатларида маслаҳатлашиш Қуръони Карим оятларида буюрилган.

Озарбойжон ва бошқа бир нечта хорижий давлатларда оммавий иштирок тўғрисида қонунлар қабул қилинган. Уларнинг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ва “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлари билан деярли бир хил эканлиги аниқланди. Ушбу қонунларда оммавий иштирокнинг айрим шакллари мустаҳкамланган ва тартибга солинган бўлиб, бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши қайд этилган. Муаллиф ушбу меъёрни оммавий иштирок шакллари қонун билан чекламасдан, доимий равишда кенгайтириб бориш шароити ва талаби сифатида талқин қилади.

Биринчи бобнинг «**Оммавий иштирок технологияларини ривожлантириш истиқболлари**» деб номланган бешинчи параграфда Интернет ва ижтимоий технологияларнинг ривожланиши ¹ унинг кенгайишига ва самарадорлигини оширишга хизмат қилаётгани қайд этилади. Ушбу технологияларни ривожлантириш ва қўллаш баробарида, муаллиф “слэктивизм”, яъни фуқаролар томонидан аҳамиятга эга бўлмаган, баъзан мантиққа тўғри келмайдиган фикрларни онлайн илгари суриш ва маъқуллаш² ҳолатларининг олдини олиш зарурлигини қайд қилади. Бунинг

¹ Magnuson W. Blockchain democracy: Technology, law and the rule of the crowd. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – P. 41.

² James Dennis. Beyond Slacktivism Political Participation on Social Media. – Hampshire: Palgrave Macmillan, 2019. – P. 4.

учун оммавий иштирокнинг аҳамияти, мақсадлари, тамойиллари, меъёрлари ва таомиллари мазмунини барчага етказишни таклиф қилади.

Тадқиқотда оммавий иштирок технологиялари бўйича қўлланмалар ўрганилди. Муаллиф уларда тавсия қилинган оммавий иштирок тамойиллари, таомиллари, шакллари ва босқичларини маъқуллаган ҳолда, унинг даражаларини қайта кўриб чиқиш заруратини қайд қилади¹. У иштирокнинг: ахборот, маслаҳатлашув ва шериклик даражаларига жамоатчилик назоратини қўшади. Ш.Арнштейннинг “иштирок нарвони” концепциясига² кўра, оммавий иштирокнинг ҳар бир босқичида унинг даражасини кўтариб бориш оммавий ишларга фуқаролар таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Иккинчи боб «**Давлат органларини демократик тарзда шакллантириш ва фаолият кўрсатиш омиллари**» деб номланиб, бешта параграфдан иборат.

Ушбу бобнинг «**Ўзбекистонда сайлаш ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари**» деб номланган биринчи параграфда сайлов халқаро стандартлари, миллий қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистонда ўтган сайловларни кузатиш миссиялари (ДИИХБ) ҳисоботларида берилган тавсиялар ўрганилди.

Муаллиф ДИИХБ ҳисоботида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг сайловда иштирок этишини чеклаш ногиронларнинг ҳуқуқларини бузиши тўғрисида билдирилган эътирозни ўринсиз деб ҳисоблайди. Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ногиронлар ҳам муомалага лаёқатли бўлиши мумкин. Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони муомалага лаёқатсиз деб суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда топади.

Тадқиқотда ДИИХБ ҳисоботида берилган айрим тавсиялар қўллаб-қувватланади. Масалан, Ўзбекистон Конституциясининг 33-моддасида мустаҳкамланган митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, сиёсий партияларни сайловда иштирок этиши учун уларни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзосини тўплаш талабини қайта кўриб чиқиш ва уни янги тузилган ёки вакиллик органларида ўз депутатларига эга бўлмаган сиёсий партияларга қўйиш, фуқаровий кузатишни кенгайтириш, мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг ижобий томонларини жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу бобнинг «**Сайловларда номзодларни танлаш ва кўрсатишни янада демократлаштириш йўллари**» деб номланган иккинчи параграфда

¹ OECD Guidelines for Citizen Participation Processes, OECD Public Governance Reviews, OECD Publishing, Paris, 2022 // <https://doi.org/10.1787/f765caf6-en>. Code of good practice for civil participation in the decision-making process. Conference materials of International Non-Governmental Organisations (INGOs) of the Council of Europe. 2019. – P. 11-17 // <https://www.coe.int/en/web/ingo/civil-participation>

² Lauria M., Slotterback C. S. (ed.). Learning from Arnstein's Ladder: From Citizen Participation to Public Engagement. – Routledge, 2021. – P. 13.

сиёсий партиялар сайловларда номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга ягона субъект эканлигини инобатга олган ҳолда, улар томонидан ҳар бир фуқаронинг сайланишга бўлган конституциявий ҳуқуқи ва бошқа демократик меъёрларни таъминлаш масалалари тадқиқ этилган.

Депутатликка номзодларни танлаш ва кўрсатиш тартибининг эълон қилинмагани, ушбу жараёнда ошкоралик, тенглик ва ички демократиянинг бошқа қоидаларига риоя қилинишини баҳолаш имконини бермайди. Муаллиф бундай ҳолат партия ташкилотлари ва давлат органлари раҳбарлари томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилишга шароит яратишини қайд этади. Бундай ҳолат фуқароларнинг сайланишга бўлган конституциявий ҳуқуқи ҳамда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида белгиланган: сиёсий партиялар аъзоларининг тенгилиги, қонунийлик ва ошкоралик принципларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида, АҚШ ва бошқа давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда муаллиф томонидан дастлабки сайловлар тартиби ишлаб чиқилди. У депутатликка номзодларни сайлов округидаги мажлисда, нафақат партия аъзолари, балки партиясизлар иштирокида, очиқ, фуқаролар мурожаатлари асосида ва уларнинг сайловолди дастурларини муҳокама қилиш йўли билан кўрсатишни таклиф қилган.

Иккинчи бобнинг «**Давлат хизматига киришда фуқароларга тенг шароит таъминлаш масалалари**» деб номланган учинчи параграфида давлат органларини сайловдан бошқа демократик тарзда шакллантириш йўллари тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сон Фармонида мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб, барча давлат органлари ва ташкилотларида давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш очиқ мустақил танлов асосида амалга оширилмоқда, сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимлар бундан мустасно. Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ порталининг (<https://vacancy.argos.uz/>) очилиши мавжуд бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги ахборот билан фуқароларни марказлашган ҳолда таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, юқоридаги портал ва давлат органларининг расмий веб-сайтларида бўш лавозимларга танлов ўтказиш тартиби мавжуд эмас. Шунингдек, айрим бўш лавозимлар малака талаблари бир неча мутахассислик малака талабларини қамраб олади ва аниқ белгиланмайди. Муаллиф танловлар ўтказиш очиқлигини таъминлаш ва ҳар бир лавозим касбий стандартларини белгилаш чораларини таклиф қилади.

Иккинчи бобнинг «**Халқ вакилларининг фуқаролар олдидаги масъулиятини кучайтиришда одоб қоидалари**» деб номланган тўртинчи параграфида Парламент палаталари аъзолари одоб қоидаларида уларни бузганлик учун санкциялар ва бошқа айрим зарур меъёрлар ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатининг одоб қоидалари мавжуд эмаслиги аниқланди. Охиргиларнинг мавжуд одоб қоидалари асосида ишлаб чиқилиши улардаги

мавжуд камчиликларни тизимли ўрганиш ва бартараф қилиш имконини берди.

Одоб – яхшиликни ёмонликдан, адолатни адолатсизликдан ажратувчи қарашлардан¹, оила ва жамиятдаги хулқ-атвор меъёрларидан² иборат кенг тушунчадир. Шу туфайли барча хулқ-атвор кодекслари одоб принциплари ва уларни амалга ошириш қоидаларидан иборат бўлади. Хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда халқ вакиллари одоб қоидаларини: уларнинг ўз вазифаларига виждонан ва ҳалол ёндашиш принципи ҳамда депутатлик мақомига номувофиқ лавозимларни эгаллашига йўл қўймаслик, сайловчилар ишончини оқлаши ва сиёсий партиялар олдидаги мажбуриятларини бажариши, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш қоидалари билан тўлдириш, уларда санкцияларни белгилаш ва депутат юксак номига доғ тушириш хулқ-атворига аниқлик киритиш тавсиялари берилди.

«Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш йўллари» деб номланган иккинчи бобнинг бешинчи параграфида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 июлдаги 444-сонли қарори билан давлат бошқаруви органлари томонидан ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериш тартибининг тасдиқланиши қолган давлат органлари учун намуна бўлиши таъкидланди. Чунки Қонунчилик палатаси веб-сайтида унинг 2015-2019 йиллардаги фаолияти тўғрисида ахбороти жойлаштирилган бўлиб, унда, асосан, статистик маълумотлар берилган³. Сенат веб-сайтида эса, унинг 2015-2019 йиллардаги парламент сўровлари, халқаро муносабатлари, қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг сон кўрсаткичлари инфографикалари мавжуд⁴. Маҳаллий кенгашлар фаолияти тўғрисидаги ахборот уларнинг веб-сайтларига қўйилмаган.

Муаллиф томонидан давлат органлари ҳисоботлари жойлаштирилган веб-сайтда фуқароларга улар юзасидан ўз фикрини билдириш имконини бериш зарурати таъкидланади. Шунингдек, аҳоли олдида давлат органлари масъулиятини кучайтириш мақсадида, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот ёки ҳисоботлар мазмунини белгилаш зарурлиги қайд этилади. Хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда ҳисоботда давлат органи функцияларининг бажарилиши ҳолати ва унинг олдига қўйилган вазифаларни соҳалар кесимида кўрсатиш таклиф қилинади.

Учинчи боб **«Ўзбекистонда оммавий иштирок даражасини кўтаришнинг айрим масалалари»** деб номланиб, бешта параграфдан иборат.

Ушбу бобнинг **«Жамият манфаатларига тааллуқли ахборот тўғрисида фуқаролар хабардорлигини таъминлаш»** деб номланган

¹ Badie, D. Berg-Schlosser, & L. Morlino (Eds.), International Encyclopedia of Political Science Sage Publications. SAGE Publications, Inc. 2011. – P. 824.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Одоблар ҳазинаси. Имом Бухорийнинг «Ал-адаб Ал-Муфрад» китобларининг шарҳи. 1, 2, 3, 4 – жузлари. – Т.: «Нил-Нашр», 2019.

³ Палатанинг чораклик ва йиллик ахборотлари // <http://parliament.gov.uz/uz/info/analytical-reports/> (28.01.2021)

⁴ <http://senat.uz/ru/lists/view/896>; <http://senat.uz/ru/lists/view/894>; <http://senat.uz/ru/lists/view/891>; <http://senat.uz/ru/lists/view/893>.

биринчи параграфиди 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сонли Қонуннинг 6 ва 8-моддаларини амалга ошириш механизми ўрганилган. Ушбу моддаларда давлат ва нодавлат органлар зиммасига жисмоний ва юридик шахсларни жамият манфаатларига тааллуқли ахборот билан оммавий тарзда таъминлаш ҳамда бундай ахборот тўғрисида оммавий ахборот воситаларига хабар бериш мажбуриятлари юкланган. Ушбу моддаларда бундай ахборотга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятлари, хавфсизлиги ва жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар тўғрисидаги воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар киритилган. Аммо миллий қонунчиликда бундай ахборот бошқа учрамайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сонли Фармонида “ижтимоий аҳамиятга молик маълумот” тушунчаси ҳам қўлланилади.

Жамият манфаатларига тааллуқли ахборот ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, хорижий давлатларда у оммавий дейилади. Бироқ, 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуннинг 3-моддасида берилган “оммавий ахборот” тушунчасининг мазмуни инглиз тилида “mass information” тушунчасига мос келади. Ўзбек тили хусусиятидан келиб чиққан ҳолда муаллиф уни “жамоат ахбороти” дейишни таклиф қилади. Шунингдек, у бундай ахборот рўйхатини тасдиқлаш ва веб-сайтларга жойлаштириш, фуқаролар бир мартадан кўп сўраган ахборотни ушбу рўйхатга киритиш қондасини¹ қўллаб-қувватлайди. Бу қоида “фойдаланилиши чекланмаган барча ахборот очик бўлади”² тамойилига мувофиқ бўлади.

«Давлат органлари очик ҳайъат мажлисларида фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асослари» деб номланган учинчи бобнинг иккинчи параграфиди 2019 йил 12 апрелдаги 474-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасини амалга ошириш масалалари ўрганилган. Ушбу моддада жамоатчилик назорати субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи берилган бўлса ҳам, ҳозиргача бундай тартиб белгиланмаган. Муаллиф қонунчиликдаги ушбу бўшлиқни Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги намунавий низомга (Намунавий низом) тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш йўли билан тўлдиришни таклиф қилади.

Шунингдек, тадқиқотда давлат органи очик ҳайъат мажлиси деганда, республика бошқаруви органлари ва уларнинг ҳудудий тузилмалари ҳайъатларининг очик мажлислари тушунилиши аниқланди. Олий Мажлис палаталари, уларнинг қўмиталари ва бошқа ҳайъат давлат органлари мажлисларида нафақат жамоатчилик назорати субъектларининг иштироки, балки ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлишига оид меъёрлар бажарилмаслиги ҳолатлари кузатилди. АҚШ амалиётини инобатга олган

¹ Freedom of Information Act Statute // <https://www.foia.gov/foia-statute.html>.

² Grimmelikhuijsen S. et al. Do freedom of information laws increase transparency of government? A replication of a field experiment // *Journal of Behavioral Public Administration*. – 2018. – Т. 1. – С. 1-10.

ҳолда бундай мажлисларга муаллифлик таърифи берилди ва уларни ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Учинчи бобнинг «**Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларини шакллантириш ва фаоллигини ошириш масаллари**» деб номланган учинчи параграфда кўпчиликнинг улар ҳақида хабари йўқлиги аниқланган. Тошкент шаҳри ва бешта вилоятда ўтказилган сўровларда респондентларнинг 42.6%и туман ҳокимликлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларининг мавжудлиги ҳақида, умуман, эшитмаган бўлса, 32,4%ининг улар фаолияти билан таниш эмаслиги¹ маълум бўлган. Ушбу ҳолат жамоатчилик кенгашлари шаклланиши ва уларнинг фаолияти очиқ эмаслиги, ушбу жараёнга фуқаролар жалб қилинмаслигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги УП-6181-сонли Фармонида жамоатчилик кенгашларини фаоллаштириш чоралари белгиланганди. Фармоннинг 7-бандида улар таркибининг камида 50 фоизини нодавлат нотажорат ташкилотлари вакиллари ташкил этиши, жамоатчилик кенгашининг таркиби Жамоатчилик палатаси билан келишилгандан сўнг давлат органи раҳбарининг қарори билан ҳар 2 йилда тасдиқланиши, жамоатчилик кенгашлари аъзоларининг умумий сони 15 нафардан кам бўлмаслиги мустаҳкамланди.

Амалдаги қонунчилик меъёрларини самарали қўллаш учун муаллиф жамоатчилик кенгашларини шакллантириш бўйича услубий қўлланмани² такомиллаштириш, жумладан, уларда номзодларни нодавлат нотажорат ташкилотлари йиғилишларида муқобиллик асосида кўрсатиш бўйича тавсиялар беришни, шунингдек, бир ташкилотдан республика даражасидаги жамоатчилик кенгашига битта аъзо киритишни белгилашни ва уни сурункасига икки мартадан кўп аъзо бўлишини тақиқлашни³ таклиф қилади. Бу манфаатлар мувозанатини таъминлашга ва уларнинг объектив қарорлар қабул қилишига хизмат қилади.

«**Фуқароларга оммавий ваколатларни беришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобнинг тўртинчи параграфда Ш.Арнштейннинг “иштирок нарвони”даги ўтказилган ҳокимият (delegated power) оммавий иштирок даражаси эмас, балки уни кўтариш йўли эканлиги асослаб берилди. Ушбу йўл номарказлаштириш назариясида атрофлича ўрганилган бўлиб, унинг деволуция, ваколатларни ўтказиш, дивестмент шакллари оммавий иштирок даражасини кўтаришга хизмат қилиши кўрсатилди.

Муаллиф номарказлаштиришни қонунда белгилаш, оммавий шартнома тузиш, лицензиялаш ва рухсат бериш йўли билан расмийлаштириш йўлларини ўрганди. Қонун билан ваколатларни ўтказишда ҳуқуқий

¹ Маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятида жамоатчилик маслаҳат кенгашлари: таҳлилий ҳисобот. – Тошкент, 2020. – Б. 22-23.

² Создание и развитие общественных советов при государственных органах Республики Узбекистан: методическое пособие. – Т., 2021.

³ Закон Республики Казахстан «Об общественных советах» от 2 ноября 2015 года № 383-V ЗРК // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36800092#pos=3

бўшлиқлар, коллизиялар ва бошқа ҳуқуқий муаммолар мавжудлиги, бошқа йўлларнинг нисбатан кам қўлланилиши каби камчиликлар аниқланди ва уларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Учинчи бобнинг **“Қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини фуқаролик жамияти институтлари билан келишишнинг ҳуқуқий муаммолари”** номли бешинчи параграфида 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сонли Қонуннинг 30-моддасида ва ушбу Қонунга илова қилинган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётининг 101-бандида коллизион нормалар борлиги аниқланди. Биринчисида лойиҳаларни манфаатдор ҳамда қонунчиликда белгиланган давлат органлари ва ташкилотлар билан, иккинчисида барча манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишилиши белгиланган. Ушбу коллизия қонун ости ҳужжатларида мавжуд бўлса ҳам, уларда лойиҳаларни айрим фуқаролик жамияти институтлари билан келишиш белгиланган. Шу туфайли қонунчиликда лойиҳаларни барча манфаатдор органлар билан келишиш меъёрини белгилаш тавсия қилинади.

Диссертант ташкилотлар манфаатдорлигини аниқлаш, тайёр лойиҳага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мураккаблигини қайд қилади. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда у АҚШдаги “тартибга солувчи келишув”¹ амалиётига таянади ва давлат органи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш ҳақида эълон қилишни, унинг таркибини ташкилотлар мурожаатлари асосида шакллантиришни, ишчи гуруҳ мажлисларини очик ўтказишни, муҳокамалар якунига кўра, лойиҳа бўйича ишчи гуруҳ ҳулосасини тайёрлашни, унда келишувга эришиш ҳолатини кўрсатишни, лойиҳа қабул қилиниши ва эълон қилиниши билан гуруҳ фаолиятини тугатишни тақлиф қилган.

Тўртинчи боб **«Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини кучайтириш истиқболлари»** деб номланиб, бешта параграфдан иборат.

Ушбу бобнинг **«Оммавий иштирок халқаро индексларида Ўзбекистон кўрсаткичларини яхшилаш омиллари»** деб номланган учинчи параграфида «International IDEA» ассоциациясининг Демократия глобал ҳолати ва «Varieties of Democracy» (V-Dem) тадқиқот лойиҳасининг Демократия ҳисоботлари, Бошқарув сифати индикаторлари (Worldwide Governance Indicators), Очик ҳукумат (Open Government Index) ва Электрон иштирок (E-Participation Index), Бюджет очиклиги (Open Budget Index) ва бошқа рейтингларда оммавий иштирокни баҳолаш мезонлари ўрганилди. Уларда Ўзбекистон эгаллаган ўрнининг ўзгариш динамикаси таҳлил қилинди ва оммавий иштирокни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муаллиф “Economist intelligence unit” компаниясининг Жаҳон мамлакатлари демократияси индексида (Демократия индекси) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва оммавий иштирокнинг айрим шакллари инobatга

¹ William Funk, Bargaining Toward the New Millennium: Regulatory Negotiation and the Subversion of the Public Interest // Duke Law Journal, 46, 1997. – P. 1354.

олинмагани тўғрисидаги фикрга ¹ қўшилади. У «International IDEA» ассоциацияси ҳамда «V-Dem» тадқиқот лойиҳасининг индекслари камчиликларни аниқлаш баробарида, давлат демократик ривожланишининг позитив томонларини очиб бериш ва унинг истиқболларини белгилашга хизмат қилишини таъкидлайди.

Тўртинчи бобнинг «Ўзбекистонда референдумнинг янги турларини жорий қилиш имкониятлари» деб номланган иккинчи параграфиди Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини, жумладан, 127-моддага кўра, Конституцияга ўзгартиришларни ҳамда («Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси) бошқа қонунларни референдумга қўйишни фаоллаштириш масалалари ўрганилди. Чунки мамлакатимизда референдум жами 3 марта ўтказилгани ва умумхалқ овозига қонунлар, шунингдек, атом электростанциясининг қурилиши ва бошқа муҳим масалалар қўйилмаётгани танқид қилинмоқда².

Мавжуд ҳолатни муаллиф миллий қонунчиликда фақат императив ва умумдавлат референдум ўтказиш назарда тутилгани билан изоҳлайди. Умумхалқ референдумлар айрим давлатларда ўтказилмайди ³, улар ўтказиладиган давлатларда унга қўйиладиган масалалар доираси чекланади⁴, кўпчилик давлатларда маҳаллий даражада кўп ва деярли чекловларсиз ўтказилади⁵. Хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда муаллиф Ўзбекистонда: ўтказилишига кўра, мажбурий; қабул қилинадиган қарорига кўра маслаҳат; ўтказиш даражасига кўра, маҳаллий ҳамда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ёки уларни қисман бекор қилиш референдумларини жорий қилишни, референдумни ўтказиш бўйича фуқаролар ташаббусини рад этиш асосларини аниқ белгилаш заруратини асослаб берган.

«Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг ҳуқуқий масалалари» деб номланган тўртинчи бобнинг учинчи параграфиди 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон Қонуннинг 13-моддаси тадқиқ этилди. Ушбу моддага кўра, турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонунчилик талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир. Ушбу меъёр мавҳумлиги туфайли унга аниқлик киритиш зарурати аниқланган.

¹ Renat Kuenzi. DEMOCRACY INDEX 2017: Is global democracy in decline or development? // https://www.swissinfo.ch/eng/directdemocracy/democracy-index-2017_is-global-democracy-in-decline-or-development-/43896598.

² Конституцияда белгиланган масала // <https://davr24.uz/oz/archives/1931>.

³ Борисов И.Б., Головин А.Г. Право на референдум: 25 лет конституционно гарантированному демократическому институту // Гражданин. Выборы. Власть. 4/2018. – С. 7.

⁴ Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland // <https://www.gesetze-im-internet.de/gg/BJNR000010949.html>.

⁵ Шакирова З. В. Местный референдум // Скиф. 2019. №12-2 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mestnyy-referendum> (дата обращения: 06.05.2021).

Муаллиф фуқаролар мурожаатлари, жамоатчилик муҳокамалари ва оммавий иштирокнинг бошқа шакллари жамоатчилик фикрини ўрганиш воситалари дейишга қўшилади. Диссертант томонидан жамоатчилик фикрини сифат ва (чуқурлаштирилган интервью, фокус группалар, ҳужжатларни таҳлил қилиш) миқдорий (анкетлаштириш, интервью олиш (жумладан, телефон орқали) тадқиқ этиш усуллари¹ қўллаш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, ушбу қоидаларга сайлов ва референдумда риоя этиш устидан назорат қилишни Марказий ва ҳудудий сайлов комиссиялари зиммасига юклаш, референдумда ҳам овоз бериш ва у бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларини эълон қилишни тақиқлаш зарурати асослаб берилди.

Тўртинчи бобнинг **«Жамоавий мурожаатлар ва жамоатчилик ташаббусларини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари»** деб номланган тўртинчи параграфида муаллиф жамоатчилик ташаббусини барча оммавий иштирок шакллари сифатида тушунишга қўшилмайди. У мурожаат ва бошқа ҳаракатлар ташаббусдан бошланишини тан олиб, уларни фуқаролар ташаббуслари дейди ва шаклланган ҳуқуқий институтлар эканлигини таъкидлайди. Жамоатчилик ташаббуси сифатида фуқаро ёки бошқалар таклифларини кўпчилик томонидан имзо тўплаш, онлайн, йиғилишларда ва бошқа шаклларда қўллаб-қувватлаш орқали илгари суришни тан олиш ва жамоатчилик назоратининг шакли сифатида белгилаш таклиф қилинади. У “Mening fikrim” портали (meningfikrim.uz) орқали Олий Мажлиси палаталари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига юбориладиган электрон жамоавий мурожаатни жамоатчилик ташаббуси деб, унинг қоидаларини такомиллаштиришни таклиф қилади.

Жамоавий электрон мурожаатлар амалда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ҳамкорликда ишга туширилган “Jamoatchilik” онлайн-платформаси (jamoatchilik.uz) орқали юборилиши кўрсатилди. Ушбу ва бошқа мурожаатларни кўриб чиқмаслик ва уларга жавоб бермаслик ҳолатларининг учраши, давлат органларининг веб-сайтларида мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра тузилган маълумотномалар йўқлиги аниқланди. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Охириги бобнинг **«Жамоатчилик муҳокамалари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари»** деб номланган бешинчи параграфида жамоатчилик муҳокамаларига маслаҳатлашишнинг таъсирчан шакли, делибератив демократия ўзаги², ўзаро ишончнинг ортиши, ахборот алмашинуви, ахборот тизимининг кенгайиши шароити ва инновацион ривожланишнинг тамойили³ сифатида қаралади. Шу жиҳатдан муаллиф барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг лойиҳалари ва бошқа оммавий

¹ Франц В. А. Управление общественным мнением: учебное пособие. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та 2016. – С. 79.

² Scudder MF. The Ideal of Uptake in Democratic Deliberation // Political Studies, 68(2), 2020. – P. 504-505. doi:10.1177/0032321719858270.

³ Эгамбердиев А. Инновация – ижтимоий феномен // Илмий хабарнома, АДУ, №1, 2018. – Б. 56.

масалалар бўйича жамоатчилик муҳокамаларини турли даража ва шаклларда ўтказиш заруратини асослаб беради.

Муаллиф норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш атрофлича ҳуқуқий тартибга солинганини қайд этади. У ушбу амалиётни бошқа оммавий масалалар бўйича жамоатчилик муҳокамаларига ҳам қўллашни таклиф қилади. Бунда жамоатчилик муҳокамаларининг турли шаклларини қўллаш, онлайн муҳокамаларда мутасадди давлат органи вакили иштирокининг, хусусан, берилаётган таклиф ва мулоҳазаларга унинг тезкор ва тўлиқ жавоб бериши зарурлиги кўрсатилади.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда оммавий ишларни бошқаришда фуқаролар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари бўйича амалга оширилган тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. “Жамият ва давлат ишлари” тушунчасининг мавҳумлиги ва унга таъриф берилмагани ушбу ишларни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлашдаги асосий тўсиқлардан биридир. Лингвистик, халқаро ва хорижий амалиёт таҳлили уларни “оммавий ишлар” (public affairs) деб номлаш тўғри бўлишини кўрсатади. Халқаро стандартларни жорий қилиш ва хорижий тажрибадан унумли фойдаланиш мақсадида, миллий қонунчиликда “оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқи” тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқи: (а) оммавий ишларни юритишда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш; (б) сайлаш ва сайланиш ҳамда (с) давлат хизматига тенг шартларда кириш ҳуқуқларидан иборат бўлиб, асосий инсон ҳуқуқлари, жумладан, фикр ва сўз эркинлиги, тинч йиғинлар ва уюшиш ҳуқуқлари уни амалга оширишнинг зарур муҳитидир. Ушбу қоида оммавий ишларни юритишда иштирок этиш ҳуқуқи b ва c унсурлар ҳамда асосий ҳуқуқлардан ташқари оммавий иштирокнинг барча имкониятларини қамраб олишини кўрсатади.

3. Оммавий ишларни юритишда иштирок этиш ҳуқуқининг мазмунини очиб бериш учун оммавий иштирокни: таъсир ва ҳал қилиш турларига таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки фуқаролар оммавий ишларни нафақат оммавий органларга таъсир қилиш ва улар аъзоси сифатида, балки мустақил ҳал қиладилар. Ушбу таснифда оммавий ишларни юритишда иштирок этиш ҳуқуқи оммавий ишларни хайрия қилиш ва бошқа йўллар билан мустақил ҳал қилиш имкониятларидан иборат эканлиги ҳам акс этилади.

4. Ш. Арнштейннинг “иштирок нарвони” оммавий иштирок даражаларини холис аниқлашга хизмат қилади. Бунда “иштирок нарвони”дан “манипуляция”, “психотерапия”, “тинчлантириш” ва “ўтказилган

ваколатлар” даражаларини чиқариб ташлаш таклиф қилинади. Чунки охиргиси жамоатчилик нозоратига ўтиш йўли бўлса, қолганлари иштирок шакллари тегишинча номига ва фуқароларни жалғатиш учун жорий этишни англаиб, бошқа даражаларда ҳам учраши мумкин. Демак, оммавий иштирокнинг ҳар бир босқичида: хабардор қилиш, маслаҳатлашиш, шериклик ва жамоатчилик назорати даражаларининг шакллари қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Жамият манфаатлари мазмуни, хорижий давлатлар амалиёти ва ўзбек тилининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оммавий функцияларни бажариш, инсон ҳуқуқлари ва бошқа оммавий манфаатларни таъминлаш билан боғлиқ фаолият тўғрисидаги ҳамма учун олиш эркин бўлган, давлат ва бошқа сирлар бўлмаган ҳужжатлаштирилган, босма, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ҳамда материалларни жамоат ахбороти деб номлаш мумкин.

II. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлашга доир қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

1. Оммавий ишларда фуқаролар иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш ва таъминлашдаги камчиликларни бартараф қилиш мақсадида, хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32, 33 ва 34-моддаларини қуйидаги таҳрирда баён этиш тавсия қилинади:

1) “32-модда.

Ҳар бир фуқаро оммавий ишларни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ қуйидаги имкониятлар орқали амалга оширилади:

ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали оммавий ишларни юритишда иштирок этиш;

ялпи тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин хоҳиш-иродасини таъминлайдиган чинакам даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш;

умумий тенглик шартларида давлат хизматида кириш.

Оммавий ишларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади”;

2) “33-модда.

Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тинч йиғинлар ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга”;

3) “34-модда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, жамоат бирлашмаларига уюшиш ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ҳаракатларда, сиёсий партияларда ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларида шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида

озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас”.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 951-сонли қарори билан тасдиқланган “Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисида”ги низомнинг 4-банди иккинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда қабул қилиш тавсия қилинади:

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари кузатувчи сифатида кўрсатишлари мумкин”.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги ЎРҚ-369-сонли Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчани киритиш тавсия қилинади:

1) номини “Оммавий ахборот очиклиги тўғрисида”ги деб ўзгартириш;

2) 5-модданинг биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи хатбоши билан тўлдириш:

“Ахборотдан фойдаланувчилар томонидан бир мартадан кўп сўралган ахборот оммавий тарзда тақдим этиладиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига киритилади”.

4. 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сонли Қонуннинг 30-моддаси биринчи қисмидаги “давлат органлари ва ташкилотлар” сўзларини “органлар ва ташкилотлар” сўзларига алмаштириш ҳамда уни қуйидаги таҳрирда баён қилиш тавсия қилинади:

“30-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланишидан то қабул қилингунига қадар лойиҳани ишлаб чиқаётган ва кўриб чиқаётган орган томонидан манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишилади. Қонунчилик ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари келишиладиган айрим манфаатдор органлар ва ташкилотлар белгиланиши мумкин”.

5. 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги 417-ХП-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш тавсия қилинади:

“Референдум куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан, ахборот тармоқларига, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади”.

6. 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади:

1) Қонун номини “Оммавий ишларда жамоатчилик назорати тўғрисида” деб ўзгартириш;

2) 13-моддани қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш:

“Сўров ўтказган ташкилот ўрганиш натижалари билан бирга уларни холислиги ва тўғрилигини баҳолаш учун зарур қуйидаги маълумотларни эълон қилади: сўров ўтказган ташкилотнинг номи; сўров ўтказишни тўлиқ ёки қисман молиялаштирган шахснинг исми шарифи, шунингдек, сўров натижаларини олган шахснинг исми шарифи; сўровда иштирок этган шахсларнинг сони ва таркиби; сўров ўтказилган сана; сўров ўтказиш учун танланган усулнинг асосланганлиги; сўровда берилган савол(лар)нинг тўлиқ матни; сўровда иштирок этувчи шахсларни саралаш усули; саралаш усулининг асосланганлиги; саралашни амалга ошириш босқичлари таркиби; сўров ўтказилган шароит; берилган саволларнинг тўлиқ матни, ҳар бир саволга жавоб бермаган шахслар сони тўғрисидаги маълумот, тўпланган маълумотларни қайта ишлаш чегаралари, тўпланган маълумотларни қайта ишлаш усули, агар бундай усул ишлатилган бўлса”.

3) қуйидаги мазмундаги 13¹-модда билан тўлдириш:

“13¹-модда. Жамоатчилик ташаббуси

Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан илгари сурилган таклифларни фуқароларнинг имзо қўйиш, онлайн, турар жойлар, меҳнат жамоалари йиғилишларида ва бошқа шаклларда қўллаб-қувватлаши жамоатчилик ташаббусидир.

Оммавий органлар томонидан уларнинг ваколатлари доирасига кирадиган масалалар бўйича таклифлар мамлакат ёки у амалга ошириладиган ҳудуд аҳолисининг кўпчилиги ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдордаги фуқаролар қўллаб-қувватлаганда кўриб чиқилади. Ҳуқуқий ва бошқа жамоатчилик ташаббусларини илгари суриш ва кўриб чиқиш тартиби тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солиниши мумкин.

Жамоатчилик ташаббуси билан чиқувчи илгари суриладиган таклиф, уни фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланиши муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташаббускор ўз ихтиёридаги, илгари суриладиган таклифга тааллуқли бўлган материаллардан барчанинг эркин фойдаланишини таъминлайди”.

III. Ўзбекистон Республикасида оммавий ишларда фуқаролар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар.

1. Давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида барча хоҳловчилар иштирокини таъминлаш учун бундай мажлисларни нафақат намойиш қилиш, балки фуқаролар иштирок этиши учун ҳам имконият яратадиган Интернетдаги “Youtube” ва бошқа каналлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Намойиш жараёнида хоҳловчилар ўз муносабатини билдириш, саволлар ва таклифлар билан мурожаат қилиш, давлат органлари эса, уларга жавоб бериш имконига эга бўладилар.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали, унга қандай лойиҳалар жойлаштириладигани, уларни қабул қилишдан мақсад тўғрисидаги маълумотни аҳолига нафақат оммавий ахборот воситалари ва

Интернет тармоғи, балки дўконлар, жамоат транспорти ва инсонлар кўп бўладиган бошқа жойлардаги баннерлар, электрон таблолар ва бошқа воситалар орқали етказиш, лойиҳалар бўйича таҳлилий маълумотлар тақдим қилиши жамоатчилик муҳокамаларида фуқароларнинг фаол ва онгли иштирок этишига хизмат қилади.

3. Депутат масъулиятини кучайтириш мақсадида, унинг ўз сайловчиларига тақдим қиладиган ахборотида қуйидаги маълумотларни бериши мақсадга мувофиқ бўлади: маҳаллий Кенгаш ва унинг доимий комиссияларига ҳамда улар кўриб чиқаётган масалалар бўйича киритилган таклифлар, уларни инобатга олингани, юборилган депутат сўровлари, сайловолди ва бошқа ваъдалари, сайловчилар мурожаатлари ва бошқа вазифаларнинг бажарилиши.

4. Жамоатчилик назорати субъектлари мурожаатлари ва сўровларининг ўзига хос хусусиятларини ажратиш ва тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўлади. Уларга давлат органига унинг ваколатлари доирасига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга эга масалалар бўйича асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юбориш ҳамда жамоатчилик назорати натижаларини кўриб чиқиши ёки аниқланган қонун бузилиши ҳолати ва бошқа камчиликларни баратараф қилиш талаби билан мурожаат қилиш имкониятларини бериш мантиқий бўлади.

5. Халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда Марказий ва ҳудудий сайлов комиссиялари зиммасига сайлов ва референдумда жамоатчилик фикрини ўрганиш қоидаларига риоя этиш устидан назорат қилиш ваколатини юклаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ташкилот тегишли комиссияга қоидаларга риоя қилиш тўғрисидаги ёзма ариза билан мурожаат қилганидан кейин сўров ўтказиши, сўров натижаларини нашр этиш ёки тарқатишдан олдин ушбу комиссияга сўров натижаларининг ҳолислиги ва тўғрилигини баҳолаш учун зарур ахборотни тақдим қилиши таклиф этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЮЛДОШЕВ АЗИЗЖОН ЭРГАШ УГЛИ

**ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ УЧАСТИЯ ГРАЖДАН
В УПРАВЛЕНИИ ДЕЛАМИ ОБЩЕСТВА И ГОСУДАРСТВА В
УЗБЕКИСТАНЕ**

**12.00.02 – Конституционное право. Административное право.
Финансовое и таможенное право**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)**

Тошкент – 2023

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.2.DSc/Yu162.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.
Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме) на веб-странице Научного совета (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:	Хусанов Озод Тиллабоевич доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна доктор юридических наук, профессор Зулфикоров Шерзод Хуррамович доктор юридических наук, профессор Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна доктор юридических наук, профессор
Ведущая организация:	Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека

Защита диссертации состоится 4 марта 2023 года в 10:00 на заседании Научного совета DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном юридическом университете (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Сайилгох, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрирована № 1118). (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Сайилгох, 35. Тел.: (99871) 233-66-36).

Автореферат диссертации разослан «___» февраля 2023 г.

(протокол реестра рассылки № ___ от «___» февраля 2023 г.)

Р.Р.Хакимов

Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, доктор юридических наук, профессор

Б.А.Нариманов

Секретарь Научного совета по присуждению ученой степени, доктор философии права (PhD), доцент

И.Р. Беков

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется обеспечению права граждан на участие в ведении государственных дел, что закреплено в статье 25 Международного пакта о гражданских и политических правах. Как подчеркнул в своем выступлении Верховный комиссар ООН по правам человека, такое участие — лучший способ решить вопросы, связанные с пандемией COVID-19 и другими социальными проблемами¹. В 2022 году, согласно Докладу о демократии, 102 из 179 стран получили менее 56 процентов максимального балла по компоненту общественного участия², что свидетельствует об актуальности глубокого изучения текущей ситуации и поиска решений существующих проблем.

В мире проводятся широкие исследования по повышению действенности, развитию технологий, совершенствованию правовых основ, критериев оценки, форм и методов участия граждан в публичных делах. Осуществление исследований, направленных на реализацию Руководящих принципов для государств по эффективному осуществлению права на участие в ведении государственных дел³, утвержденных Резолюцией Совета по правам человека ООН за № 39/11 от 28 сентября 2018 г., и других международных стандартов, улучшения показателей публичного участия в каждой стране, создание организационно-правовых основ для достижения этих целей повышает научную и практическую значимость темы.

В нашей стране осуществляются масштабные реформы, направленные на обеспечение конституционного права граждан на участие в управлении делами общества и государства. В частности, за последние пять лет в соответствии с пунктом 1.3 Стратегии действий были созданы народные приемные Президента Республики Узбекистан, общественные палаты и советы, открыты порталы коллективных обращений «Mening fikrim» (Мое мнение) и порталы «Ochiq byudjet» (Открытый бюджет), введены другие институты и формы общественного участия. Однако нахождение Узбекистана на 165 месте среди 179 стран по компоненту общественного участия в «Докладе о демократии 2022» показывает необходимость дальнейшего повышения эффективности реформ в данной сфере.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Конституции Республики Узбекистан, Избирательном кодексе, законах «Об общественном контроле» (2018 г.), «Об обращениях физических и юридических лиц» (2017 г.), «О социальном партнерстве» (2014 г.), «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления» (2014), указах Президента Республики Узбекистан «О

¹ Human Rights Council meeting on the Role of Poverty Alleviation in Promoting and Protection Human Rights. 26 February 2021 // <https://www.ohchr.org/RU/HRBodies/HRC/Pages/NewsDetail.aspx?NewsID=26812&LangID=R>.

² Autocratization Changing Nature? Democracy Report 2022. Varieties of Democracy Institute (V-Dem). – P. 46-47 // https://v-dem.net/media/publications/dr_2022.pdf.

³ Guidelines for States on the effective implementation of the right to participate in public affairs. Adopted by resolution 39/11 of Human Rights Council // <https://www.ohchr.org/en/documents/tools-and-resources/guidelines-effective-implementation-right-participate-public-affairs>.

Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» за № УП-60 (2022), «Об утверждении Концепции развития гражданского общества в 2021-2025 годах» за № УП-6181 (2021), «О создании Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан» за № УП-5980 (2020), постановлениях «О дополнительных мерах по повышению эффективности общественного контроля за проводимыми реформами в социально-экономической сфере, а также активности граждан в осуществлении демократических преобразований в стране» за № ПП-4473 (2019), «О дополнительных мерах по обеспечению верховенства Конституции и закона, усилению общественного контроля в данном направлении, а также повышению правовой культуры в обществе» за № ПП-4551 (2019), «О мерах по организации деятельности общественных советов при государственных органах» за № ПП-3837 (2018) и других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Исследование проведено в соответствии с приоритетным направлением развития науки «I. Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Исследования, связанные с повышением эффективности, оценки уровня, расширения, правового регулирования и другие аспекты участия граждан в публичных делах, проводятся в международных организациях, ведущих научно-исследовательских центрах и образовательных учреждениях мира. Среди них, следует выделить Комитет по правам человека ООН, Совет по правам человека ООН, Отдел государственных учреждений и цифрового правительства Департамента по экономическим и социальным вопросам (DPIDG), Бюро по демократическим институтам и правам человека (ODIHR)¹ Организацию по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ), Организацию экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) и ее проекты Инновационного общественного участия (ICP)² и Содействие совершенствованию государственных институтов и управления (SIGMA)³, Европейскую комиссию за право через демократию (Venice Commission)⁴, «Международный проект справедливости» (WJP)⁵, Проект «Economist intelligence unit» (EIU)⁶, Институт демократии и поддержки выборов (IDEA)⁷, Проект демократического разнообразия (V-Dem)⁸.

В научных исследованиях участия граждан в публичных делах, проведенных зарубежом, получены следующие научные результаты: определены

¹ OSCE Office for Democratic Institutions and Human Rights // <https://www.osce.org/odhr>.

² <https://www.oecd.org/gov/OECD-innovative-citizen-participation-project.pdf>

³ Support for Improvement in Governance and Management // <http://www.sigmaweb.org/>

⁴ The European Commission for Democracy through Law // https://www.venice.coe.int/WebForms/pages/?p=01_Presentation&lang=EN

⁵ The World Justice Project // <https://worldjusticeproject.org/>

⁶ Economist intelligence unit // <https://www.eiu.com/n/about/>

⁷ International institute for democracy and electoral assistance (IDEA) // <https://www.idea.int/>

⁸ Varieties of Democracy (V-Dem) // <https://www.v-dem.net/ru/>

содержание права граждан на участие в публичных делах и утверждены руководящие принципы (Совет по правам человека ООН), и рекомендации (Комитет по правам человека ООН) по его реализации, также разработаны критерии оценки электронного участия (DPIDG), механизмы информирования, консультирования, партнерства в публичном участии (OECD) и выявлены факторы его активизации (SIGMA), а также разработаны индикаторы оценки открытости публичной администрации (WJP), политического участия (EIU), гражданского участия (IDEA) и публичного участия (V-Dem), руководящие принципы объединения, мирных собраний, регулирования деятельности политических партий (ODIHR), рекомендации по внедрению ассемблей граждан, форумов и других инновационных форм участия (ICP), проведению референдумов (Venice Commission).

В настоящее время проводятся научно-исследовательские работы по следующим приоритетным направлениям совершенствования организационно-правовых основ общественного участия: оценка уровня демократии и публичного участия; обеспечение гласности деятельности государственных органов и повышение уровня информированности граждан; внедрение инновационных форм публичного участия; установление гражданского наблюдения и демократизация процедуры выдвижения кандидатов на выборах; усиление ответственности и подотчетности государственных органов и должностных лиц перед населением, расширение электронного участия.

